



# YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/2



# MUNDARIJA

## 12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ. MA’MURIY HUQUQ. MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- 6 **БОТИРОВ ХУРШИД ИЛЁС ЎҒЛИ**  
Парламент тадқиқот хизматлари  
фаолиятининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили
- 14 **НЕМАТОВ ЖЎРАБЕК НЕМАТИЛЛОЕВИЧ**  
Ўзбекистонда фуқароларнинг сайлов  
ҳуқуқлари бузилганлиги тўғрисидаги ариза  
(шикоят)ларни кўриб чиқиш тартиби

## 12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI. TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- 24 **ЮСУПОВ ЖАСУРБЕК МЭЛСОВИЧ**  
Общая характеристика плагиата как  
правонарушения и его виды
- 32 **ЭРКАБАЕВА ШАХНОЗА ИКРОМЖОНОВНА**  
Коммандитное товарищество как институт  
инвестирования: законодательство и практика  
применения Федеративной Республики  
Германия
- 42 **БАБАКУЛОВ ЗАФАР  
КУРБОННАЗАРОВИЧ**  
Товар белгисига нисбатан манфаатдор шахс  
талабларининг илмий ва амалий таҳлили

## 12.00.07 – SUD HOKIMIYATI. PROKUROR NAZORATI. HUQUQNI MUHOFAZA QILISH FAOLIYATINI TASHKIL ETISH. ADVOKATURA

- 56 **ДАВЛЕТОВ ЎТКИРБЕК МАТМУРОТОВИЧ**  
Ҳарбий суд: кеча ва бугун
- 66 **ИБРАГИМОВ ДИЁРБЕК ШУХРАТ ЎҒЛИ**  
Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунчилик  
ижроси устидан прокурор назоратининг  
ҳуқуқий асослари

12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.  
HUQUQBUZARLIKLARNING  
OLDINI OLISH. KRIMINOLOGIYA.  
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI

75 **ҲАМИДОВ НУРМУҲАММАД  
ОРИФ ЎҒЛИ**

Хорижий давлатлар қонунчилигида айрим трансмиллий жиноятлар учун жавобгарлик хусусиятлари

91 **МАТЧАНОВ ФАХРИДДИН  
КУРАМБОЙ ЎҒЛИ**

Айрим хорижий давлатларда маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти билан боғлиқ масалалар таҳлили

12.00.09 – JINOYAT PROTSESSI.  
KRIMINALISTIKA,  
TEZKOR-QIDIRUV HUQUQI VA  
SUD EKSPERTIZASI

100 **НОРОВА НАСИБА АЗАМатовна**

Понятие и значение соглашения о признании вины в уголовном процессе: международный и национальный аспект

109 **РУЗМЕТОВ БОТИРЖОН  
ХАЙИТБАЕВИЧ**

Терроризм билан боғлиқ жиноятларни тергов қилишда тергов ҳаракатларини ўтказиш ва исботлашнинг долзарб масалалари

122 **ЧОРИЕВА ДИЛБАР МЕНГДАБИЛОВНА**

Ишни судга қадар юритишда ҳимоя функциясининг процессуал табиати

12.00.10 – XALQARO HUQUQ

132 **ВАЛИЖОНОВ ДАЛЕР ДИЛШОДОВИЧ**

Особенности развития международного сотрудничества органов прокуратуры Республики Узбекистан в рамках цифровой интеграции

## 12.00.12 – KORRUPSIYA MUAMMOLARI

- 141 **САФАРОВ ТЕМУР УКТАМОВИЧ**  
Общие теоретические аспекты коррупции в  
органах государственного управления

## DAVLAT DASTURLARI

- 150 **ХАМЕДОВ ИСА АХЛИМАНОВИЧ**  
О значении реформирования  
законодательства об административных  
процедурах в свете стратегических  
приоритетов развития страны

UDC: 343.28/29 (042)(575.1)  
ORCID: 0000-0001-6369-7472

## АЙРИМ ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАРДА МАҲКУМЛАРНИНГ МОДДИЙ-МАИШИЙ ТАЪМИНОТИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР ТАҲЛИЛИ

**Матчанов Фахриддин Курамбой ўғли,**  
Тошкент давлат юридик университети ҳуқуқ магистри,  
“Оммавий ҳуқуқ” факультети деканати методисти;  
e-mail: matchanovfahridin@gmail.com

**Аннотация.** Мазкур мақолада айрим хорижий давлатларда маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти билан боғлиқ масалалар таҳлил этилган ҳамда уларнинг назарий ва амалий ечимини ҳал этиш мақсадида ҳулосалар келтирилган. Жумладан, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро майдонда фаолият кўрсатиб, умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларини тан олган ҳолда, жазони ижро этиш тизимини ҳарбий ёки ярим ҳарбий кўринишдаги идоралар томонидан бошқарилишидан воз кечиши лозимлиги таъкидланган. Шунингдек, маҳкумларнинг моддий-маиший таъминоти масаласини ҳал этишда шошма-шошарликка йўл қўймаган ҳолда, тахминий, бироқ муддатлари реал воқеликка мос келадиган жазони ижро этиш тизимининг камида ўн беш ёки йигирма йиллик фаолиятини қамраб оладиган янги концепциянинг ишлаб чиқилиши ва амалиётчи мутахассислар ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига маълум қилиниши лозимлиги ўз аксини топган. Барча давлатларда ҳам пенитенциар тизим Адлия вазирлиги тасарруфида эмаслиги ва бу масала ҳар бир давлатнинг ички сиёсати, иқтисодиёти билан чамбарчас боғлиқлиги мисоллар ёрдамида ёритилган.

**Калит сўзлар:** хорижий, маҳкум, моддий-маиший, таъминот, жазо, ижро этиш, муассасалар, пенитенциар тизим.

### АНАЛИЗ ПРОБЛЕМЫ МАТЕРИАЛЬНО-БЫТОВОГО ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЗАКЛЮЧЕННЫХ В НЕКОТОРЫХ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

**Матчанов Фахриддин Курамбой ўғли,**  
магистр права, методист деканата  
факультета “Публичное право”  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** Статья содержит анализ проблемы материально-бытового обеспечения заключенных в некоторых зарубежных странах, а также ряд выводов по теоретическому и практическому решению данной проблемы. В частности, подчеркивается, что Узбекистан как равноправный субъект мирового сообщества, следуя общепризнанным нормам и правилам международного права, не должен допускать функционирования пенитенциарной системы в военных или военизированных структурах. В статье указывается о необходимости разработки новой концепции, охватывающей не менее пятнадцати или двадцати лет функционирования пенитенциарной системы, с приблизительными, но реалистичными сроками, которая должна быть доведена до

сведения практикующих специалистов и широкой общественности. В данной статье с помощью примеров освещен факт того, что не во всех странах пенитенциарная система находится под контролем Министерства юстиции и данная проблема тесно связана с внутренней политикой и экономикой каждого государства.

**Ключевые слова:** иностранный, осужденный, материально-бытовое обеспечение, наказание, исполнение, учреждение, пенитенциарная система.

## ANALYSIS OF THE MATERIAL WELL-BEING OF PRISONERS IN SOME FOREIGN COUNTRIES

**Matchanov Fakhrriddin,**

Master of Law,  
Methodist at Public Law faculty Office,  
Tashkent State University of Law

**Abstract.** The article provides an analysis of the material well-being of prisoners in some foreign countries. In addition, in order to find a theoretical and practical solution to the problem posed in the article, a number of conclusions were provided. In particular, it was emphasized that Uzbekistan, as an equal subject of the world community, recognizing the generally recognized norms and rules of international law, regardless of our desire, should not allow the functioning of the penitentiary system in military or paramilitary structures. When analyzing the material well-being of prisoners, the article also included the development of a new concept covering at least fifteen or twenty years of the functioning of the penitentiary system, with an approximate but realistic time frame, without a hasty solution to this issue. This article analyzes the fact that in all countries that it is wrong to say that the penitentiary system is under the control of the Ministry of Justice. In Great Britain, for example, the Ministry of Internal Affairs runs the penitentiary system. It is clear from this that this issue, related to the internal policy of each state, is also closely related to its economy.

**Keywords:** foreign, convict, material, household, supply, punishment, execution, transition, institutions.

Бизга маълумки, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини таъминловчи муассасалар фаолиятини такомиллаштириб бориш ва ушбу соҳада хорижий давлатлар, энг аввало, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш, лозим бўлса, тажрибанинг ижобий томонларини республикамизда ҳам қўллаш ва-зифасининг ҳал этилишини тақозо этади.

Ўтган асрнинг 90-йилларида МДХнинг ташкил топиши ҳар бир республикада жазони ижро этиш тизимини мустақил равишда ислоҳ қилиш заруратини келтириб чиқарди. Аксарият МДХга аъзо мамлакатларда жиноят-ижроия қонунчилигига жиддий ўзгартиришлар киритилган бўлса, айримларида қўшимча равишда янги

жиноят-ижроия қонунчилигини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, жазони ижро этиш тизимини Ички ишлар вазирлигидан бошқа вазирликлар ихтиёрига ўтказиш каби масалалар жиддий аҳамият касб эта бошлади.

Жумладан, Озарбайжон (1993 йилда), Молдова (1995 йилда) ва Россия (1998 йилда)да жазони ижро этиш тизими ИИБ бўйсунувидан чиқарилиб, Адлия вазирлиги ихтиёрига бириктирилган. Беларусь, Арманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қирғизистонда ИИБ таркибида қолган [1]. Украинада эса мамлакат Президентининг 1998 йилги фармонида кўра, ижроия ҳокимиятининг марказий органи ҳисобланадиган жазони ижро этиш масалалари бўйича

давлат Департаменти ташкил этилган [2]. Таққослаш учун қуйидаги рақамларни келтириб ўтишни ўринли деб ҳисоблаймиз, яъни 2000 йилдаги ҳолат бўйича Украина жазони ижро этиш тизимида жами 156 та жазони ижро этиш муассасалари фаолият кўрсатган (шулардан 1 таси тарбия колонияси, 112 таси жазони ижро этиш колонияси, 30 таси тергов ҳибсхонаси ва 30 таси турмадир) ва ҳар юз минг аҳолига (аҳолиси 52,1 млн киши) 340 та маҳкум тўғри келган [3].

Россия, Озарбайжон ва Молдовада жазони ижро этиш тизимини Адлия вазирлигига ўтказиш каттагина миқдорда молиявий харажатлар эвазига амалга оширилган. Грузияда эса жазони ижро этиш тизими ҳеч қандай жиддий тайёргарликларсиз ИИВдан Адлия вазирлигига расман ўтказиб қўйилган, холос. Натижада озодликдан маҳрум қилиш жойларидан маҳкумларнинг гуруҳ-гуруҳ бўлиб қочиб кетишига йўл қўйилган ва мураккаб бўлиб турган мамлакат ичидаги сиёсий вазиятнинг янада ёмонлашувига сабаб бўлган. Оқибатда Грузиядаги воқеалар ривожини Адлия вазири ва жазони ижро этиш тизими раҳбарининг истеъфоси билан якунланган [1]. Ҳозирги кунга келиб Грузияда ижроия ҳокимиятнинг марказий органи сифатида Жазони ижро этиш вазирлиги ташкил этилган.

Қозоғистонда ўтиш даврининг модели сифатида Ички ишлар вазирлиги (ҳозирги кунда Адлия вазирлиги) тасарруфида бўлган Жиноят-ижроия тизими қўмитаси ташкил этилган бўлиб, 1997 йил Павлодар лойиҳаси ишлаб чиқилди ҳамда пенитенциар тизим (жазони ижро этиш тизими) ходимларини маҳкумлар билан муомала қилиш ва улар билан иш олиб бориш усуллари ва методларида сезиларли даражада ижобий ишлар амалга оширилган [4].

Ушбу лойиҳа қуйидаги мақсадларни ўз ичига олган эди:

– пенитенциар тизимни бошқариш жараёнини яхшилаш ва озодликдан маҳрум қилиш муассасалари (турма) ходимларининг инсон ҳуқуқлари соҳаси бўйича билимларини ошириш;

– маҳкумларнинг сақлаш шароитларини яхшилаш;

– озодликдан маҳрум қилиш муассасаларининг ишини назорат қилиб боришда нодавлат фуқаролик институтларини жалб этиш фаолияти фаоллигини ошириш;

– сил касаллигига чалинган маҳкумларни даволашда Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти талабларига риоя этиш;

– ушбу лойиҳадан Қозоғистоннинг бошқа туман ва минтақаларидаги мавжуд жазони ижро этиш муассасаларида ҳам фойдаланиш мумкин бўлган моделларини яратиш.

Республикада маҳкумларнинг сақлаш шароитларини яхшилаш, жазолаш тариқасида қўлланиладиган айрим чекловларни олиб ташлаш (масалан, маҳкумнинг сочини олиб ташлаш, кўрпа-тўшак ва ёстиқлардан фойдаланишни чеклаб қўйиш) каби ижобий ҳолатлар инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш асосида амалга оширилганлиги ва бу кейинчалик халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилганлиги диққатга молик жиҳатдир. 2000 йилда Қозоғистон Республикаси жазони ижро этиш тизимида жами 75 та жазони ижро этиш муассасалари фаолият кўрсатган (шулардан 4 таси тарбия колонияси, 53 таси жазони ижро этиш колонияси, 17 таси тергов ҳибсхонаси ва 1 таси турмадир) ва ҳар юз минг аҳолига (аҳолиси 16,8 млн киши) 506 та маҳкум тўғри келган [3].

Қирғизистон Республикасида ҳам жазони ижро этиш тизими фаолиятини такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган, шу жумладан, қонунчилик соҳасида ҳам. Масалан, 1999 йил 11 ноябрда Қирғизистонда янги Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди ва шу йилнинг 13 декабридан амалга киритилди [5].



Қирғизистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 46-моддаси 1-қисмига асосан, ахлоқ тузатиш муассасалари – қамоқ уйлари, манзил-колонияси, ахлоқ тузатиш колонияси, тарбия колонияси ва турмадан иборатлиги белгилаб қўйилди.

Қирғизистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 декабрдаги фармони-га асосан, Президент ҳукумат олдига пенитенциар тизимни ИИБ ихтиёридан Адлия вазирлиги ихтиёрига ўтказиш масаласини ўрганиш ва чуқур таҳлил қилиш вазифасини қўйиб, тизим қайси орган таркибида бўлмасин, энг асосий ва долзарб вазифа – хавфсизлик ва инсон ҳуқуқларини поймол этилмаслиги зарурлигини қатъий уқтириб ўтди [6]. Таъкидлаш зарурки, ҳозирги кунга келиб Қирғизистонда жазони ижро этиш тизими Адлия вазирлиги тасарруфида фаолият кўрсатмоқда.

1997 йил 8 январда Россия Федерацияси ҳам ўзининг янги Жиноят-ижроия кодексини қабул қилди. Шу билан бирга, Россия Федерацияси Президентининг 1997 йил 8 октябрдаги ва 1998 йил 28 июлдаги фармонларига асосан, Россия Федерациясида Жазони ижро этиш бош бошқармаси ИИБдан Адлия вазирлиги ихтиёрига ўтказилган ва 2004 йилнинг 9 мартига қадар жазони ижро этиш тизими марказий бошқарув органи сифатида фаолият кўрсатган.

Умуман олганда, бирор-бир тизим бошқарувини у органдан бу органга ўтказиш каттагина иқтисодий харажатлар талаб қиладиган давлат ичидаги «кичик инқилоб»дир. Мутахассисларнинг баҳолашича, Жазони ижро этиш бош бошқармасини Ички ишлар вазирлигидан Адлия вазирлигига ўтказиш Россия учун «бор-йўғи» 3,5 млрд рублга тушган [7]. Бу эса аҳолиси 4,5 млн киши бўлган Қирғизистон Республикасининг ярим йиллик бюджети билан баробар маблағни ташкил этган [8].

Аксарият ҳуқуқшунос олимлар (Ю.А. Реент, Э.С. Рахмаев, А.К. Шагивалиевлар) нинг фикрича, Россия ушбу «кичик инқи-

лоб»ни Европа Иттифоқига аъзо бўлиб кириш шартларидан бири сифатида ба-жариш мажбурияти борлиги сабаблигина амалга оширган.

Россия Федерацияси Президентининг 2004 йил 9 мартдаги фармонига биноан, Жазони ижро этиш бош бошқармаси Жазони ижро этиш федерал хизматига (рахбар – хизмат директори ҳисобланади) айлантирилди ва Адлия вазирлиги доирасида амалда мустақил тармоқ тизим сифатида фаолият кўрсата бошлади [9].

Россия Федерацияси Жиноят-ижроия кодексининг 74-моддасида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги ахлоқ тузатиш муассасаларининг қуйидаги турлари кўрсатилган – ахлоқ тузатиш муассасалари, тарбия колониялари, турмалар, ахлоқ тузатиш даволаш муассасалари, тергов ҳибсхоналари [7].

Жазони ижро этиш федерал хизмати 2007 йилдан Россия Федерацияси Ҳукумати томонидан 2006 йил 5 сентябрда тасдиқланган «Жазони ижро этиш тизимини ривожлантириш (2007–2016 йилларга мўлжалланган)» федерал дастурини амалга оширишни бошлаган. Ушбу дастурнинг амалиётга татбиқ этилиши ахлоқ тузатиш муассасаларининг моддий-техник аҳволини яхшилаш, маҳкумларни сақлаш шароитларини халқаро стандартларга мослаштириш каби вазифаларни ҳал этиши лозим. Ҳозирги кунда Россия Федерацияси жазони ижро этиш тизимида мавжуд бўлган 262 та федерал давлат унитар корхонаси, 495 та маҳкумларни меҳнатга мослаштириш маркази, 37 та даволаш, 34 та ўқув-ишлаб чиқариш устахоналари тизим фаолиятининг асосий ишлаб чиқариш қувватини ташкил этади.

Маҳкумларнинг умумий таълим олиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида ахлоқ тузатиш ва тарбия колонияларида 309 та кечки умумтаълим мактаби ва 482 та ўқув-маслаҳат пункти, 334 та ибодатхона, 722 та турли хил диний конфессияларнинг



ибодат қилиш хоналари фаолият кўрсатишига рухсат этилган.

Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этиш борасида Германия Федератив Республикасида тўпланган тажрибалар ўзининг ижобий томонлари кўплиги билан Европадаги аксарият давлатлар томонидан эътироф этилган.

Мамлакат жазони ижро этиш тизими Адлия вазирлиги таркибида бўлиб, унинг ўзига хос томонларидан бири маҳкумларга нисбатан ўзаро таъсир этиш чораларини олиб боришда асосий мутахассислар сифатида ижтимоий ёрдам кўрсатувчи ходимлар, руҳонийлар ва психологлардан фойдаланилади. Ушбу ходимлар фаолиятидаги асосий принциплардан бири озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган маҳкумлар билан ишлаш жараёнида, улар эртами-кечми, барибир, жамиятга қайтиши ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишининг англаб етилганлиги ва эътироф этилганлигидир. Яна бир эътиборли томони шундаки, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ижро этиш муассасаларида диннинг роли ўта муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам ҳар бир жазони ижро этиш муассасаси ўзининг католик ва протестант руҳонийсига эга бўлиб, улар маҳкумларга озод бўлганларидан сўнг ҳам ёрдамларини давом эттириб боради [10].

Немислар тажрибасидан шу нарса маълумки, бошқа соҳаларда бўлгани каби жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган маҳкумларни ижтимоий фойдали фаолиятга жалб этишда узоқни кўзлаб иш тутилади. Жумладан, маҳкумлар атом реактори пайвандчиси, автомат линияларини созловчи каби юқори малакали ихтисосликларга ўқитилади ва бундан кўзланган асосий мақсад маҳкум озодликка чиққанидан сўнг юксак технологияларга асосланган ишлаб чиқариш корхоналарида бемалол ишлаб кетиши лозим. Шунинг

учун ҳам Германиядаги ахлоқ тузатиш муассасалари амалда юксак малакали ходимлар резервини тайёрлаб берувчи жой ҳисобланади ва бу нарса, немис мутахассисларининг ишонишича, рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш имкониятини кўпайтиради.

Бундан ташқари, турма маъмурияти меҳнат биржалари билан яқиндан ҳамкорликда бўлиб, меҳнат бозорида қандай мутахассисларга эҳтиёж катта бўлаётганлиги, келгусида қайси соҳаларда малакали ишчи кучи зарурати борлиги ва шу каби бошқа масалаларни чуқур ўрганади ва таҳлил қилиб боради.

Турмада маҳкумларнинг таълим олиши ва касб-ҳунар ўрганишига ҳам жиддий эътибор қаратилган. Таълим олаётган маҳкумлар шартли равишда қуйидаги икки тоифага ажратилади:

- бошланғич таълим (ўқиш, ёзиш, арифметика) курсларида ўқиётган саводи яхши бўлмаганлар;

- умумтаълимнинг қисқартирилгандас-турлари бўйича таълим олаётган саводи яхши бўлганлар.

Сўнгги йилларда Германия турмаларида дистанцион (узоқ масофадан туриб) ўқув таълимининг жорий этилаётганлиги кўпчиликда қизиқиш уйғотяпти. Бу эса, ҳақиқатан ҳам, бир қанча Европа давлатларининг телемарказлари орқали бериладиган ўқув дастурларини маҳкумлар томонидан реал ўзлаштириш имкониятини туғдирыпти. Айни вақтда, дистанцион ўқув таълимида синов ва имтиҳонларни топширишда маҳкумларнинг жамиятдан ажратиб қўйилганлиги баъзи бир мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

Маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даври шартли равишда қуйидаги учта босқичга бўлинади: жазони ўташ тартиби ва шартларига мослаштириш (адаптация); ахлоқан тузатиш; озодликка чиқишга тайёрлаш. Шунингдек, турма жойлашган

шаҳарнинг кўзга кўринган жамоат ар-боблари (шифокор, педагог, ишчи ва ҳ.к.) дан иборат васийлик кенгаши тузилган бўлиб, ушбу кенгаш турма маъмурияти томонидан амалга ошириладиган барча жабҳалардаги фаолият йўналишларида фаол иштирок этади ҳамда озодликдаги кундалик турмуш тарзи ҳаётига тайёрлаб боришга кўмаклашади [11].

Буюк Британияда турмалар тизими аксарият Европа давлатларидаги каби Адлия вазирлиги томонидан эмас, балки Ички ишлар вазирлиги томонидан бошқарилади ҳамда қуйидаги уч мустақил тармоқдан иборат:

Шимолий Ирландия турмалар хизмати;  
Шотландия турмалар хизмати;  
Англия ва Уэльс турмалар хизмати.

Турма муассасаларининг қуйидаги турлари мавжуд:

- марказий қамоқхоналар узоқ муддатларга, яъни уч йил ва ундан кўп бўлган муддатларга озодликдан маҳрум этилган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган;

- регионал (худудий) турмалар бир нечта маъмурий-худудий бўлинмаларга хизмат кўрсатади ва махсус танлаб олинган, биринчи маротаба судланиб, 12 ой ва ундан кўп муддатга озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазога ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган;

- ахлоқ тузатиш пенитенциар муассасалари турмалар ёки турмаларнинг бўлимларидан иборат бўлиб, 21 ёшдан катта, ахлоқан тузалиш йўлига кирган рецидивист маҳкумларни сақлаш учун мўлжалланган;

- маҳаллий турмалар битта маъмурий худудга хизмат қиладиган муассаса бўлиб, унга биринчи маротаба судланган маҳкумлар юборилади.

Йигирма бир ёшгача бўлган ёш маҳкумларни сақлаш учун Англияда борсталь ахлоқ тузатиш муассасалари ва мактаблари мавжуд. Бундан ташқари, вояга етмаган ҳуқуқбузарларни қисқа муддатга сақлаб

туриш учун ахлоқ тузатиш-тарбия марказлари тизими ҳам фаолият кўрсатади [12].

Маҳкумларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўташ даври қуйидагиларга бўлинади:

- синов даври (маҳкум якка тартибда сақланади);

- ахлоқан тузалиш даври (мажбурий меҳнатга жалб этиш орқали бошқа маҳкумлар билан биргаликда умумий хоналарда сақланади);

- муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш даври (жазонинг камида тўртдан уч қисмини ўтаган маҳкумлар учун).

Ахлоқан тузалиш ва жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш даври орасида яна бир босқич – ярим очиқ турдаги сақлаш шароитига (ишга соқчисиз чиқиш, ташқи дунё билан эркин мулоқотда бўлиш) ўтказиш назарда тутилган (республикамиздаги мавжуд манзил-колониялардаги сақлаш шароитига ўхшаш). Ушбу сақлаш шароити бошқа мамлакатларнинг пенитенциар тизимида, шу жумладан, мамлакатимиз жазони ижро этиш тизимида ҳам муваффақиятли қўлланиб келинмоқда. Чунки бундай сақлаш шароити озод қилинаётган маҳкумларнинг жамиятдаги эркин ҳаётга тез ва осон мослашиб кетишига қулай имконият яратади.

Британия турма қоидаларига асосан, ҳар бир маҳкумга билим олиш имконияти яратилиши шарт. Барча турмаларда кечки ўқув машғулотлар дастурлари ишлаб чиқилган бўлиб, хоҳловчилар ўз билим даражаларини сиртқи ёки кечки таълим олиш шаклида оширишлари ёхуд ишдан бўш вақтларида касб тайёргарлигидан ўтишлари мумкин. Касб тайёргарлиги учун барча шароитлар етарли бўлса, бу тайёргарлик меҳнат қилиш учун ажратилган соатларда ташкил этилади ва иш ҳақи тўланади.

Буюк Британия пенитенциар муассасаларида маҳкумларга таълим бериш жараё-

ни юқори савияда ташкил этилган бўлиб, бу ерда бошланғич маълумотдан бошлаб олий маълумотгача олиш мумкин. Таълимнинг шакллари ҳам ранг-баранг: кечки таълим, ҳафтанинг маълум кунларида ташкил этиладиган кундузги таълим, очик университет ва коллежлардаги сиртқи таълим, махсус курсларда ўқиш, аёллар учун алоҳида ўқув курслари. Маҳкумлар учун таълим олиш, асосан, ҳомийлар ҳамда хайрия ташкилотлари ҳисобидан бепул бўлса-да, бироқ баъзи бир таълим бериш хизматлари пулликдир. Таълим жараёнининг узлуксизлиги фақатгина жазони ўташ давридагина эмас, балки жазо муддати тугаганидан сўнг ҳам таъминланиши эътиборга молик жиҳатдир. Буларнинг ҳаммаси озод бўлаётган маҳкумнинг жамиятга мослашиб кетишига жиддий ёрдам беради [11].

Буюк Британияда турмалар тизимини назорат қилишнинг ўзига хос механизми шаклланган. Яъни турмаларни инспекция қилиш бўйича қўмиталар тизими мавжуд. Ҳар бир турма қошида ҳурмат ва эътиборга лойиқ маҳаллий фуқаролардан ташкил топган, Ички ишлар вазири томонидан тайинладиган ва қонунда кўрсатилган вазифаларни бажарадиган Кенгаш фаолият олиб боради. Инспекторлар коллегияси турма тизимига алоқадор бўлмаган шахслардан иборат бўлиб, гоҳида уларни назоратчи магистратлар деб ҳам аташади. Уларнинг асосий мажбуриятлари Турмалар қонунининг 94-бандида қуйидагича кўрсатилган: «Коллегия инспекторлари турма биноларининг ҳолати, турма бошқаруви ва маҳкумлар билан муомала қилиш қоидаларига талаб даражасида риоя этилаётганлигига шахсан ишонч ҳосил қилишлари керак» [13].

Коллегия аъзолари турмаларнинг хоҳлаган жойини текшириш, маҳкумлар ва ходимлар билан аноним тартибда суҳбат қилиш ҳуқуқига эга. Таъкидлаш лозимки, Буюк Британияда турмалар тизи-

мини назорат қилишнинг бундай шакли мамлакатда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини самарали ташкил этишни таъминлашда, маҳкумларни ахлоқан тузатишда, жиноятлар содир этилишининг олдини олишда, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ўзига хос тажриба ҳисобланади.

Йигирма бир ёшгача бўлган ёш маҳкумларни сақлаш учун Англияда борсталь ахлоқ тузатиш муассасалари ва мактаблари мавжуд. Бундан ташқари, вояга етмаган ҳуқуқбузарларни қисқа муддатга сақлаб туриш учун ахлоқ тузатиш-тарбия марказлари тизими ҳам фаолият кўрсатади [12].

Айтиш жоизки, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо ижросини ташкил этиш борасида Финляндия анчагина тараққий этган, айни вақтда бу соҳадаги илғор тажрибасини ўрганиш мумкин бўлган давлатдир. Фин қонунчилигида маҳкумларни турмада сақлаш шароитлари уларни озодликдаги турмуш тарзидан асло фарқ қилмаслиги лозимлиги алоҳида қайд этилади. Шу билан бирга, Финляндияда озодликдан маҳрум қилиш жазоси шундоқ ҳам энг оғир жазо турларидан бири ҳисобланиб, уни яна қандайдир инсон қадр-қимматини камситувчи кўринишга эга хатти-ҳаракатлар билан оғирлаштириш мақсадга мувофиқ эмас деб қаралиши эътиборга молик жиҳатдир [14].

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, сўнгги 10–15 йиллар ичида МДХга аъзо мамлакатларда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш халқаро тажрибадан келиб чиққан ҳолда, Адлия вазирлиги доирасида амалга ошираётганлиги кузатилмоқда.

Бу масалада ҳуқуқшунос олим А. Шомансуров томонидан билдириб ўтилган фикрлар қизиқарлидир. Жумладан: «Бу тизимни (яъни жазони ижро этиш тизimini – қайд бизники) ислоҳ қилишнинг асосий шартларидан бири уларни ИИБ

бўйсунувидан чиқариш деб ҳисоблайман. Тизимни Адлия вазирлиги ихтиёрига ўтказишдан мақсад жамиятда жазони ижро этиш бўйича янги муносабатларни шакллантиришга асос бўлиб хизмат қилувчи юридик ва сиёсий база яратишга эришишдир». Айни вақтда муаллиф: «Бу борада олиб борилаётган ислохотларнинг моҳияти жазони ижро этиш муассасаларининг бир вазирликдан иккинчи вазирлик бўйсунувига ўтказилишига эришиш эмас, балки янги натижаларни ёки бошқача қилиб айтганда, реал ҳаракатлар билан янги ютуқларни қўлга киритишдан иборатдир», – деб таъкидлайди. Айтиб ўтилган фикрлар парадокс кўринишига эга. Бунинг сабаби, бизнинг назаримизда, қуйидагича, яъни агар масаланинг «шакл-шамойили» ва халқаро тажриба «андозаси»га эътибор берадиган бўлсак, муаллифнинг биринчи фикрига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Агар масаланинг туб «мазмун ва моҳияти»га эътибор қаратадиган бўлсак, унинг иккинчи фикри маъқулроқ. Худди шу нуқтаи назардан, масаланинг назарий ва амалий ечими ҳақида гап кетганда, республикамиздаги ҳақиқий ҳолатдан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги фикрларни билдириб ўтишни зарур ва ўринли, деб ҳисоблаймиз.

*Биринчидан*, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида халқаро майдонда фаолият кўрсатиб, умум эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормалари ва қоидаларини тан олар экан, истаимизми-йўқми, жазони ижро этиш тизимининг ҳарбий ёки ярим ҳарбий кўринишдаги идоралар томонидан бошқарилишидан воз кечиш талаб қилинади. Айни пайтда, бундай тажриба собиқ Иттифоқ даврида бир неча маротаба (ўтган асрнинг 20–30 ва 50-йилларида) жорий этилганлигини ҳам унутмаслик зарур.

*Иккинчидан*, ушбу масалани ҳал этишда шошма-шошарликка йўл қўймаган ҳолда,

тахминий, бироқ муддатлари реал воқеаликка мос келадиган жазони ижро этиш тизимининг камида ўн беш ёки йигирма йиллик фаолиятини қамраб оладиган янги концепцияни ишлаб чиқиш ва амалиётчи-мутахассислар ҳамда кенг жамоатчилик эътиборига маълум қилиниши лозим.

*Учинчидан*, бирор-бир масалани ҳал этишда унинг ташкилий томонлари ёки шаклий кўринишига эмас, балки мазмуни ва туб моҳиятига асосий эътибор қаратилса, фойдадан холи бўлмайди. Қолаверса, бу ерда тизим қайси бошқарув органи таркибида бўлиш ёки бўлмаслиги эмас, балки қандай қилиб инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари поймол этилмаслигини таъминлаш муаммолари асосий масала сифатида қаралиши лозимдир.

*Тўртинчидан*, барча давлатларда ҳам пенитенциар тизимни Адлия вазирлиги тасарруфида дейиш нотўғри. Масалан, Буюк Британияда пенитенциар тизим ИИБ томонидан бошқарилади. Шундан билса бўладикки, бу нарса ҳар бир давлатнинг ички сиёсатига алоқадор масала, шу билан бирга, унинг иқтисодиёти билан ҳам чамбарчас боғлиқдир.

И.У. Исмаилов ва Ч.А. Саттаров ўтказган тадқиқотларда маҳкумларнинг 72,2 % – меҳнатга ҳалол муносабатда бўлиб, маъмурият томонидан берилган ишлаб чиқариш топшириқлари ва меҳнат нормаларини бажарувчилар, 18,7 % – меҳнат нормаларини бажармайдиганлар, 7,9 % – ижтимоий фойдали меҳнатдан ҳам ошқора, ҳам яширин тарзда бўйин товловчилар бўлиб, улар орасида меҳнатга яроқли 30 ёшгача бўлган маҳкумлар ҳиссаси бошқа ёшдаги маҳкумларга нисбатан бир неча баробар юқори эканлиги қайд этилган [15].

Бинобарин, ҳозирги кунда жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ муаммоларни зудлик билан ҳал этиш ва ушбу муассасалар фаолиятини такомиллаштириш бўйича кенг миқёсли илмий тадқиқот ишла-



рини йўлга қўйиш ҳамда мазкур соҳани ривожлантириш мақсадида махсус илмий тадқиқот институти (ёки маркази)ни очиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, ўз навбатида, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ

ўзига хос бўлган халқаро стандартлар ва умумий тамойилларни аниқлаш, ижобий томонларини амалиётга татбиқ этиш ёки аксинча, амалга оширишдан тийилиш лозим бўлган жиҳатларидан ўз вақтида воз кечиш имкониятини берган бўлар эди.

## REFERENCES

1. Shagivaliev A.K. Mesta lisheniya svobodi Kirgizstana: istoriya i sovremennost'. [Places of deprivation of liberty in Kyrgyzstan: history and modernity]. Bishkek, 2001. p. 101.
2. Shomansurov A. Muqobil jazo. [Alternative punishment.] Qonun himoyasida. 2002, no 1. p. 31.
3. Shamansurov A.A. Zakonodatel'noe obespechenie ugovovno-ispolnitel'noy sistemi Respubliki Uzbekistan. [Legislative support of the penal system of the Republic of Uzbekistan]. Tashkent, 2000. p. 69.
4. Mejdunarodnaya tyuremnaya reforma: Yejegodniy otchet. [Penal Reform International: Annual Report]. Moscow, 2000, p. 15.
5. Uголовно-исполнител'niy kodeks Kirgizskoy Respubliki. [Penal Code of the Kyrgyz Republic]. Bishkek, 2006. p. 64.
6. Vecherniy Bishkek. [Evening Bishkek]. 2000. 29 dek.
7. Kommentariy k Uголовно-исполнител'nomu kodeksu Rossiyskoy Federatsii. [Commentary on the Criminal Executive Code of the Russian Federation]. Moscow, 2005. pp. 14, 225.
8. Zubkov A.I. i dr. Penitentsiarnie uchrejdeniya v sisteme Ministerstva yustitsii Rossii. [Penitentiary institutions in the system of the Ministry of Justice of Russia]. Moscow, 1998. p. 23.
9. Kurganov S.I. Uголовно-исполнител'noe pravo. [Penal law]. Moscow, 2004. p. 15.
10. Morozov A.M. Ob organizatsii sosial'noy raboti s osujdannimi v FRG. Sosial'naya rabota v UIS: Materiali mejdunar.nauch.-prakt. konf. Ryazan'. [On the organization of social work with convicts in Germany. Social work in the EIS: Materials of international scientific-practical. conf. Ryazan]. 2003, p. 136–146.
11. Sosial'naya rabota v ugovovno-ispolnitel'noy sisteme: Ucheb. posob. Pod obsh. red. Yu.I. Kalinina. [Social work in the penal system: Textbook. manual. Under total. editors. Yu.I. Kalinin]. Ryazan, 2005, pp. 289, 324.
12. Kuznesov M.I., Kazansev V.N., Ivashin D.V. Sosial'naya rabota v penitentsiarnix sistemax zarubejnih stran: Ucheb. posob. [Social work in the penitentiary systems of foreign countries: Textbook. manual]. Ryazan, 2004, p. 98, 81.
13. Stern V. Grex protiv budushego. Fragmenti. Perevod s angl. [Sin against the future. Fragments]. Moscow, 2000. p. 82.
14. Maxibrova M.I. Spesifika sosial'noy raboti v prosesse ispolneniya ugovovnix nakazaniy, ne svyazannix s lisheniem svobodi v Finlyandii. Sosial'naya rabota v UIS: materialy mejdunar. nauch.-prakt. konf. [Features of social work in the execution of criminal sentences not related to imprisonment in Finland]. Social work in the EIS: materials of the international. scientific and practical. conf, Ryazan, 2003. p. 133–136.
15. Ismailov I.U., Sattarov Ch.A. Residiv jinoyatlarning oldini olishda mahkumlarga qo'llaniladigan axloq tuzatish vositalarining samaradorligini oshirish. Jinoyatchilikning oldini olishdagi dolzarb muammolar. [Increasing the effectiveness of punishment measures for convicts in the prevention of relapses. Topical issues of crime prevention]. Tashkent, 2003, p. 129.